

◆ Туркистон вилояти ташкил топганига – 4 йил

УЙҒОНАР ТУРКИСТОН, УЙҒОНАР ДУНЁ

*Порлоқ умидларга тўлиб кун боқар,
Бахт сингари олис юлдузлар гўё.
Азал гўзалликнинг шаъмини ёқар.
Кўнглим осмон янглиғ, ёришди осмон,*

*Ёрқин саҳарларда сен, руҳим, осмон,
Юксак-юксакларга қилавер парвоз.
Эй Само, эй Замин, эй Инсон – қодир,
Гуллар, чечакларга тўлсин ойдин йўл.*

Рауф ПАРФИ.

Бизнинг авлод шўро тизими даврида туғилиб, вояга етди. Шу давр мафкурасига кўра, мактабда пионер, комсомол сафига кирдик. Дунёдаги энг буюк мамлакат фарзанди эканлигимиздан фахрланиб юрдик.

Дадамиздан эрта айрилганимиз сабабли ҳазрат Бобур Мирзонинг ўз фарзанди Хумоюнга нисбатан кўрсатган чексиз меҳрини эслаб кўяман. Ота меҳрининг ўлчови ва чегараси йўқлигини дилдан ҳис қиламан. Ота авлодимиз тарихидан бе-хабар қолганимдан куйинаман.

Озгина улғайиб, эл таний бошлаганимда қўлоғимга туркий атамалар чалиниб қолса, туркий халқлар тарихидан гап очилса, диққат билан қўлоқ солардим, Туркистон шаҳри, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси кўз олдимга келиб, кўксимда қандайдир антикиш пайдо бўларди. Шунинг учун вояга етгач, туркий халқлар тарихини чуқур ўрганишга жазм қилдим, илмий кутубхоналарга бориб, турли адабиётларни ўргандим.

Амин бўлганим шу бўлдики, халқнинг давлатчилик тараққиёти, маънавий ва маданий қадриятлари қанчалик қадимий бўлса, унинг қадриятлари, ахлоқи, урф-одатлари илдизи ҳам шунчалик чуқур бўлади. Чунки ҳар қандай давлатчилик асослари ва қонунчилик тизими, буюк маънавият ва маданият, ҳар қандай ахлоқ, урф-одатлар жамият тараққиёти, ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади ва энг мақбуллари авлоддан-авлодга ибрат сифатида қолдирилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «Авесто» Урта Осиёда, аниқроғи, Хоразмда миллод-

дан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. «Авесто»да келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. У узоқ вақт мобайнида шаклланган. Китобда келтирилган маълумотларнинг энг қадимийлари миллоддан аввалги 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда «Авесто» таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва ҳоказолар қўшилиб борган.

Тарих фанлари доктори, профессор Гога Ҳидоятнинг «Турк цивилизацияси» китобида ҳам бу ҳақда аниқ маълумотлар берган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўзбеклар «Турк Дарахти»нинг катта бири шох эканлигини ўтган аср 20-йиллари бошларида жадидлар айтган, шу боис, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Мустафо Чўқай, Абдурауф Фитратлар рус мустамлакачилари томонидан «пантуркистлар», дея аталиб, шунга яраша жазо олган эдилар.

Олтин Ўрда, Дашти-Қипчоқ Туркистон ўлкаси умуминсоният тараққиётининг йирик ўчоқларидан бири бўлганини исботлайди.

Туркистон тарихининг «қаймоғи» ҳисобланган қушонлар, турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ҳақида бирорта йирик асарлар яратилмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ҳозирда, мустақилликка эришган Қозғоғистон халқаро

алоқалари изчиллик билан ривожланмоқда. Шундай вазиятда уларнинг тарихий илдизларини билиш фойдадан холи эмас. Ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам халқаро алоқалар ҳар бир мамлакат тарихининг таркибий қисми ҳисобланиб, уларсиз тарих ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Хусусан, Қозғоғистоннинг Россия, Хитой, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари билан кўп асрлик сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини чуқур ўрганиб, йирик асарлар наш этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Жанубий Қозғоғистон вилоят марказининг қадимий ва бой

ларни энг кўп жалб қиладиган масканлардан бирига айланган «Авесто»да келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. У узоқ вақт мобайнида шаклланган. Китобда келтирилган маълумотларнинг энг қадимийлари миллоддан аввалги 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда «Авесто» таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва ҳоказолар қўшилиб борган.

Тарих фанлари доктори, профессор Гога Ҳидоятнинг «Турк цивилизацияси» китобида ҳам бу ҳақда аниқ маълумотлар берган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўзбеклар «Турк Дарахти»нинг катта бири шох эканлигини ўтган аср 20-йиллари бошларида жадидлар айтган, шу боис, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Мустафо Чўқай, Абдурауф Фитратлар рус мустамлакачилари томонидан «пантуркистлар», дея аталиб, шунга яраша жазо олган эдилар.

Туркистон тарихининг «қаймоғи» ҳисобланган қушонлар, турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ҳақида бирорта йирик асарлар яратилмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳозирда, мустақилликка эришган Қозғоғистон халқаро алоқалари изчиллик билан ривожланмоқда. Шундай вазиятда уларнинг тарихий илдизларини билиш фойдадан холи эмас. Ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам халқаро алоқалар ҳар бир мамлакат тарихининг таркибий қисми ҳисобланиб, уларсиз тарих ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Хусусан, Қозғоғистоннинг Россия, Хитой, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари билан кўп асрлик сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини чуқур ўрганиб, йирик асарлар наш этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Давлатимиз раҳбарининг Ташкент вилоят марказида алоҳида эътибор қаратиши ҳам бежиз эмас. Мухтасар қилиб айтганда, 4 йил муқаддам имзоланган, тарихи асрлардан ошадиган Туркистоннинг янада гуллаб-яшанишига хизмат қиладиган қарор тарихий алоқатни тиклаш учун

мероси миллий кўмитаси раисининг ўринбосари Дмитрий Воякин, академик З. Буниятов номидаги Шарқшунослик институти директори ўринбосари Шахин Мустафаев, Вашингтон университети Антропология кафедраси профессори Сент-Луис Майкл Фрачетти, Татаристон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, А. Халиқов номидаги археология институти директори Айрат Ситдиқов ва бошқалар иштирок этди.

– Туркистон қадимий ва буюк шаҳар. Ушбу ноёб шаҳарнинг тарихи қадимги даврлардан, кўп асрлар муқаддам бошланган. Туркистоннинг 1500 йиллигини нишонлади. Аммо



топилган дафн маросимлари ва буюмлари, шубҳасиз, миллоддан аввалги XV асрга тегишли, – деди учрашувда Бауржан Байтанаев.

– Мустақиллик йилларида миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадимжоларни асраб-авайлаш, уларни асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди ва бу эзгу ишлар изчил давом этмоқда, – деди Х. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети профессори Жанар Темирбекова. – Туркистон ўзининг бой номоддий мерос иншоотлари – кўп асрлик осори-атикалари, ноёб меъморий обидалари, хунармандчилиги, дунё илм-фанига бекиёс ҳисса қўшган алломалари билан машхур.

Бу йўналишдаги эзгу сайёҳаракатлар тарихимизни мукамал ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улғ мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, маънавиятнинг юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, тарихимизга хурмат-эҳтиром руҳида воғла етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

Мақсадимиз – туркий оламни 21-асрнинг энг муҳим иқтисодий, маданий ва гуманитар минтақаларидан бирига айлантиришдир. Биз туркий тамадунни замонавийлаштиришни ва жаҳонни Яссавий ва муқаддас Туркистон мероси билан таништиришдан бошлашга давват этамиз.

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.

Жорий йилда Туркистон вилояти ташкил топганига 4 йил тўлади. Мана шу қисқа фурсатда муқаддас шаҳар ободонлашиб, янада чирой очди, худуди кенгайди. Туркистон нафақат ташқи кўриниши билан гўзаллашиб бормоқда, балки вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юксалиб, барча соҳаларда ўсиш кузатилмоқда.

Шаҳарни ривожлантиришнинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Туркистон шаҳри туризм, маданият, тиббиёт, таълим ва фан, спорт тадбирлари тез-тез ташкил этиладиган марказга айланиб бормоқда. Бу ерда аҳоли ва ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қўлай шароитлар яратилмоқда. Кенг қамровли бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи шаҳарнинг 4та худудида амалга оширилмоқда. Биринчиси – аэропорт худуди. Бу ерда 12та лойиҳа амалга оширилди. Шу жумладан, 100 ўринли меҳмонхона, мевали боғ, 50 гектар ерда иссиқхона, 10 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқлаш мажмуаси, 1 минг 200 бош сизирга мўлжалланган сўт-товар фермаси барпо этилади. Иккинчиси – маъмурий-ишбилармонлик марказида амалга оширилаётган 57та лойиҳа. Халқаро теннис маркази, Муз саройи шулар жумласидандир. Бундан ташқари, от спорти мажмуаси, ҳордиқ масканлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ушбу худудда жорий йилда жами 4,8 миллион квадрат метр уй-жой қуриш, 46 минг хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Учинчиси – Б. Саттарханов шоққўчаси бўйлаб амалга оширилаётган қатор лойиҳалар. Тўртинчи йўналиш – Маданий-маънавий марказда Культўбе шаҳарчасидаги тарихий қадимжоларни тиклаш, «Ҳазрат Султон» музей-қўриқхонаси худудини ободонлаштириш

режалаштирилган. Бундан ташқари, меҳмонхоналар, «Хилват» маданий-маънавий маркази барпо этилмоқда. Умуман олганда, Туркистон шаҳрини ривожлантиришнинг 2-босқичида йўналтирилган сармоя миқдори 1,3 трлн. Унинг 1 триллион тенгеси ёки 77 фоизи хусусий сармоялар ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарни сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоси ҳал қилинди. Яшил белбоғлар майдони кенгаймоқда, шаҳар экологияси яхшиланмоқда. Қадимий шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш учун йирик сув хавзаларини қуриш бошланди. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари қўшимча равишда 200 миллион кубометр обикор сувга эга бўлади. Туркистон магистрал каналида амалга оширилган тубдан таъмирлаш натижасида 60 миллион кубометрдан зиёд сув тежаллади ва шаҳардаги 8 қақирим ашил белбоғ ободонлаштирилди. Бундан ташқари, Сирдарё ўзанидан канал тортиш ва Сарқирама сув омборини қуриш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Улар минтақани сув билан таъминлашда улкан аҳамиятга эга.

Шаҳарга келаётган сайёҳлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда, республика ва халқаро учрашувлар тез-тез ўтказилмоқда.

Туркистон вилояти ташкил этилган 2018 йилга нисбатан ушбу тўрт йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ижобий мойиллиги яққол намоён бўлди. Хусусан, ялли худудий маҳсулот ҳажми 1,6 баравар ошиб, 2,8 триллион тенгега етди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баравар ошиб, 707,8 миллиард тенгега, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 1,7 бараварга ошиб, 906,5 миллиард тенгега етди. 823,8 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилиб, 2018 йилга нисбатан 2,1 бараварга ошган. Вилоят бюджетини ҳажми 1,7 бараварга ошиб, 970,3 млрд. тенгени ташкил этди. Шу билан бирга, кичик бизнесни

ВИЛОЯТ МАРКАЗИ ТУРКИСТОННИНГ КЕЛАЖАҚДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

- БОШ РЕЖАГА МУВОФИҚ**
- Вилоят маркази Туркистон шаҳрининг худуди **22** минг гектарга кенгайди
- 2035 йили аҳоли сонининг **350** мингга
- 2050 йили эса **500** мингга етиши кутилмоқда
- Ҳозирги кунда шаҳар худуди 9700 гектарни ташкил қилади, аҳоли сони – 162000 одам.
- Янги шаҳарча **25** минг гектар
- Маъмурий-тадбиркорлик маркази **225** гектар жойни эгаллайди

ривожлантиришда Туркистон вилояти мамлакатимизда етакчилик қилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Вилоятда 150 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. «Оддий буюмлар иқтисодиёти» орқали вилоятда 42,9 млрд. тенгега 315та лойиҳа маъқулланди. Бу кўрсаткич бўйича ҳам Туркистон вилояти республикада биринчи ўринда туради. «Бизнеснинг йўл харитаси-2025» дастури орқали 2,2 миллиард тенгени ушлаштириш режалаштирилган. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 47 фоизга ошиб, 1,2 триллион тенгега етди. Туркистон ўзининг сайёҳлик жозибадорлиги билан хорижликларни

жалб этмоқда. Шу боис, вилоятда туризмни ривожлантириш, унинг салоҳиятини ошириш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир. 2021 йилда Туркистон вилоятда ушбу соҳага жалб этилган сармоялар миқдори 102 миллиард тенгени ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича ҳам вилоятимиз республикада етакчилик қилмоқда. Вилоят тарихий ва маданий меросига бой. Туркистон, Кентов шаҳарлари ва Ўтрор, Ўрдабоши, Байдибек туманлари йўналишида тарихий-маърифий сайёҳлик, Сарюгоч курорти худудида даволаш-соғломлаштириш туризми, Тулкибош, Тўлебей, Қазигурт туманларида экологик туризм жадал ривожланмоқда.

Вилоятда «Қасқасу» сайёҳлик ва ҳордиқ мажмуаси» лойиҳасининг инфратузилмасини барпо этиш ишлари давом этмоқда. Ушбу лойиҳа 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш давлат дастурининг худудий аҳамиятга эга сайёҳлик хартасининг 50талигига киритилган. Қолаверса, вилоят ташкил этилганидан сўнг тўрт йил мобайнида аҳоли сони кўпайиб, 285 минг 216 нафарга етди. Шу замида Туркистонимизни гуллаб-яшлатиш бошланди. Туркийлар оламнинг бешигини ободонлаштириш учун қардош туркий давлатлар ҳам ёрдам кўрсатмоқда.

Авазхон АБДУФАТТОҶ.

ҚР Маданият вазирлиги маданият соҳаси вакилларига тайинланадиган Элбоши стипендиясининг номини ўзгартиришни тақлиф қилди.